

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУЩАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ

Кафедра:
“Электр таъминоти ва микропроцессорли бошқарув”

160 км/соат тезлик учун перегон контакт тармоғи
мавзусидаги

МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШИ

Муаллиф: ЕТ-496 гуруҳ талабаси Ганиев А.А.

Раҳбар: катта уқитувчи Баянов И.Н.

.

Тошкент- 2012

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	4
I. АСОСИЙ ҚИСМ.....	7
1.1. Дастлабки маълумотлар.....	8
1.2. Контакт тармоғига таъсир килувчи юкламаларни аниқлаш.....	9
1.3. Контакт осмаси симларнинг таранглигини танлаш.....	14
1.4. Максимал рухсат этилган оралиқ узунлигини аниқлаш	15
1.4.1. Максимал шамол режимида туғри жойларда оралиқ узунлигини аниқлаш.....	17
1.4.2. Максимал шамол режимида эгри жойларда оралиқ узунлигини аниқлаш.....	19
1.4.3. Шамолли музлаш режимида туғри жойларда оралиқ узунлигини аниқлаш.....	22
1.4.4. Шамолли музлаш режимида эгри жойларда оралиқ узунлигини аниқлаш.....	23
1.4.5. Хулоса.....	24
1.5. ДПР симларини танлаш ва уларнинг оралиқ узунлигини ҳисоблаш.....	25
1.6. Перегон контакт тармоғини трассировкалаш.....	28
1.7. Ушлаб турувчи ва таянч қурилмаларни танлаш.....	30
1.8. Секциялаш ва таъминлаш схемаси	36
1.9. Харакат хавфсизлиги	37
II. ИҚТИСОДИЙ ҚИСМ.....	38
2.1. Контакт тармоғини қуришда ўрнатилаётган ва монтаж . қилинаётган материал ва ускуналарни иқтисодий ҳисоб китоби.....	43
III. МЕХНАТНИ МУХОФАЗАЛАШ ҚИСМ.....	47
3.1. Ҳаёт – фаолияти хавфсизлигининг назарий асослари.....	48
3.2. Хавфсизлик техникаси ва ёнғинга қарши кўриладиган чоралар.....	49
3.3. Огоҳлантириш деворий газеталари.....	50
3.4. Изоляцияловчи штанглар.....	51
ХУЛОСА.....	52
АДАБИЁТЛАР.....	53

КИРИШ

Кўп микдорда ишлаб чиқарилувчи электр энергияни масофага самарали узатиш ва истеъмолчиларга тақсимлаш турли кучланишдаги электр узатиш линияларидан фойдаланишни тақозо этади. Хозирги даврда Ўзбекистан Республикасидаги барча номинал кучланишли электр узатиш линияларининг умумий узунлиги тахминан 220 минг км бўлиб, 500 кВ кучланишли линиялар 1,6 минг км, 220 кВ кучланишли линиялар 4,6 минг км ва 0,4-10 кВ кучланишли линиялар 170 минг км ни ташкил этади.

Энергетика тизими - электр ва иссиқлик тармоқлари ёрдамида ўзаро туташиб, умумий иш ҳолатига эга бўлган электр ва иссиқлик станциялари, нимстанциялари ва истеъмолчилари мажмуидир.

Электр ва иссиқлик энергияни ишлаб чиқариш, узатиш, тақсимлаш ва уларни истеъмол қилишни самарали ташкил этиш учун энергетика тизимини ҳосил қилиш мақсадга мувофиқдир. Энергетика тизими қуйидаги бир қатор афзалликларга эга.

Тизимнинг бирор элементи (генератор, трансформатор, линия ва х.к.) шикастланса, унинг вазифасини бошқа - ишдан чиқмаган элементлар бажариши натижасида истеъмолчиларни электр энергияси билан таъминлашдаги узлуксизлик сақлаб қолинади. Шунингдек, муъайян ҳудудда электр энергия танқислиги кузатилган ҳолатда талаб этилувчи қўшимча қувват алоҳида ҳудудлардаги тизимларни туташтирувчи узатиш линияси орқали етказиб берилади.

Қувватни алоҳида ҳудудлардаги энергетика тизимларини туташтирувчи линиялар орқали бир энергетика тизимидан бошқасига узатиш мумкинлиги сабабли алоҳида энергетика тизимларидаги захира қувватларини минимумгача камайтириш имконияти пайдо бўлади.

Энергетика тизими юкламасини кўплаб турли тавсифларга эга бўлган электр станциялари ўртасида самарали тақсимлаш, тизим элементларининг самарали юкланишларини таъминлаш имкониятлари ортади.

Энергетика тизимида ўрнатиловчи агрегатларнинг мақсадга мувофиқ, бўлган энг катта қуввати тизимнинг умумий юкламаси билан белгиланади. Шу сабабли кичик тизимларда фойдаланиловчи агрегатларнинг қувватлари ҳам нисбатан кичикдир. Тизимнинг катталашиши билан унда фойдаланиловчи агрегатларнинг қувватларини ошириш имконияти пайдо бўлади. Бошқа томондан, катта қувватли битта агрегатдан фойдаланиш харажатлари умумий қуввати унга тенг бўлган бир нечта агрегатларни қуриш ва фойдаланиш харажатларига нисбатан кичикдир. Ўз навбатида тақсимлаш тармоғини танлаш ва ҳисоблаш масаласи ҳозирги пайтнинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Темир йўлнинг янги поғонасида ривожлиши йўловчиларга хизмат кўрсатиш даражасини ошириши қисқа муддатларда юкларни керакли жойларга етказиш, ҳаракат ҳавсизлигини таъминлаш ва бошқа имкониятларни беради. Темир йўлларнинг электлаштириш – бу йўлни техник қуроллантириш асосий ва самарали дорликни оширишнинг асосий усуллар.

Ҳаракат тезлигини ошириш электр таъминот қурилмаларга алоҳида ёндашини, ушбу қурилмаларни ҳисоблаш усулини, техник хизмат кўрсатиш ва таъминлашни замонавийлатиришини талаб қилади.

Ўзгарувчан ток юқори кучланишга ўтиши моддий ресурсларни сезиларли иқтисод қилиш имконини беради. Шу жумладан тортувчи подстанция қурилмалари камайиши ҳисобига, тортувчи подстанция орасидаги масофа узаяди.

Ушбу битирув ишида янги технология ютуқларидан контакт тармоғини қуришда фойдаланилади.

I. Асосий қисм

					БИ-КТ-ЕТ496 -7			
Улч	Варак	Ҳужжат №	Имзо	Сана	160 км/соат тезлик учун перегон контакт тармоғи	Литер	Варак	Вараклар
Битирувчи	Ганиев А.А.							
Рахбар	Баянов И.Н.							
Консульт	Баянов И.Н..					ТашТЙМИ "ЭТ и МПУ" кафедраси		

1.1. Дастлабки маълумотлар

Битирув ишида 27,5 кВ кучланишли перегон темир йўлларни электрлаштириш бажарилиши талаб қилинади.

Туманнинг климатик шароити

- шамолли район - II
- муз девор қалинлиги райони – I
- энг паст ҳарорат – 30 °С
- муз қаттиқлиги – 900 кг/м³

Перегонда М-95+МФ100 типли контакт осмаси қўлланилади.

Контакт осмасининг тури:

-компенсацияланган, ярим қияли туғри жойларда ва вертикал эгри жойларда.

Сунъий қурилмаларнинг пикетлари пастдаги 1.1 – жадвалда берилган.

ДПР симлари АС-50 тури симдан қилинган. Улар контакт тармоғининг таянчларида жойлаштириши лойиҳалаш керак .

1.1-жадвал

Сигналлар, қурилмалар ва эгри жойлар	Пикетлар
Эгри жой бошланиши, R=4000 м, маркази чоп томонидан километр юрганидан	3767 км 9+85
Темир бетонли трубаси, диаметр 1,5 м	3768 км 9+90
Темир бетонли трубаси, диаметр 1,5 м	3769 км 2+30
Темир бетонли трубаси, диаметр 2,0 м	3770 км 0+42
Эгри жой битмоқ	1+00
Эгри жой бошланиши, R=2000 м, маркази унғ томонидан километр юрганидан	3771 км 1+67
Эгри жой битмоқ	2+31
Темир бетонли трубаси, диаметр 1,2 м	3772 км 0+79
Станциянинг кириш сигнали	7+32

1.2. Контакт тармоғига таъсир килувчи юкламаларни аниклаш

Контакт осмага икки турли, вертикал ва горизонталлар юкламалар таъсир кўрсатадилар. Вертикал юкламаларга сим, турли қисқичлар, унинг устида ҳосил бўлган муз оғирлиги кучи юкламалари киради. Симга шамолнинг таъсири одатда горизонтал юклама деб ҳисобланади.

Контакт осмага таъсир кўрсатадиган юкламаларни иккита режимида аниқлаймиз: максимал шамол режимида ва шамолли музлик режимида.

Симларнинг вертикал юкланиши симнинг оғирлигга боғлиқдир. Контакт осмасининг оғирлиги қуйидаги ифодадан ҳисобланади:

$$g = g_t + n_k \cdot (g_k + g_c) \quad (1.1)$$

бу ерда

g_t - ушлаб турувчи троснинг бир метрнинг оғирлиги

$$g_t = 0,85 \text{ даН/м} \quad [1, 2 \text{ илова}]$$

g_k -контакт симнинг бир метрнинг оғирлиги

$$g_k = 0,89 \text{ даН/м} \quad [1, 2 \text{ илова}]$$

n_k – контакт симнинг сони

$$n_k = 1 \text{ (берилган маълумот)}$$

g_c – бир метрдаги осмага тегишли қисқич ва тор, ресор трос симларининг оғирлиги юкланишининг яқинлаштирилган қиймати:

$$g_c = 0,1 \text{ даН/м} \quad [1, 61 \text{ бет}]$$

$$g = 0,85 + 1 \cdot (0,89 + 0,1)$$

$$g = 1,84 \text{ даН/м}$$

Горизонтал юкланиш қуйидаги ифодадан топилади:

-ушлаб турувчи трос учун ифода:

$$p_t = c_x \cdot \frac{v^2}{16} \cdot d \cdot 10^{-3}, \quad (1.2)$$

-контакт сим учун ифода:

$$p_k = c_x \cdot \frac{v^2}{16} \cdot H \cdot 10^{-3}, \quad (1.3)$$


бу ерда

v - шамолнинг тезлиги. II шамолий районида шамолнинг тезлиги:

$$v = 25 \text{ м/с [1, 57 бет];}$$

d – ушлаб турувчи троснинг диаметри (1.1-расм):


$$d = 12.6 \text{ мм [1, 2 илова]}$$



1.1- расм. Ушлаб турувчи трос М турли профили

H -контакт симнинг баландлиги (1.2-расм):

$$H = 11,8 \text{ мм [1, 2 илова]}$$



1.2 расм. Контакт сим МФ турли профили

C_x – шамолга ҳар бир симнинг аэродинамик коэффиценти. Ушлаб турувчи трос ва контакт сим учун унинг қиймати бир ҳил:

$$C_x = 1,25 \text{ [1, 61 бет]}$$

$$p_T = 1,25 \cdot \frac{25^2}{16} \cdot 12,6 \cdot 10^{-3}$$

$$p_T = 0,62 \text{ даН/м}$$

$$p_K = 1,25 \cdot \frac{25^2}{16} \cdot 11,8 \cdot 10^{-3}$$

$$p_K = 0,58 \text{ даН/м}$$

Ушлаб турувчи тросни натижавий юкланиши:

$$q_T = \sqrt{g^2 + p_T^2} \quad (1.4)$$

Ҳисоб қилганимизда, биз фақат ушлаб турувчи тросга теккан шамол юкланиши назарга оламиз, чунки контакт симга шамол таъсиридан юкланиши торлар ёрдамида ушлаб турувчи тросга узатилади.

$$q_T = \sqrt{1,84^2 + 0,62^2}$$

$$q_T = 1,94 \text{ даН/м.}$$

Шамолли музлик режимида контакт осмаси оғирлигига яна музнинг оғирлиги қўшилади ва горизонтал юкланиши ҳам ўзгаради, чунки сим диаметри муз девор қалинлигига катталашади. Симда бўлган музнинг оғирлигидан вертикал юкланиши қуйидаги ифодадан ҳисобланади:

-ушлаб турувчи тросда

$$g_{гт} = 0,0009 \cdot \pi \cdot b_T \cdot (d + b_T) \quad (1.5)$$

- контакт симда

$$g_{гт} = 0,0009 \cdot \pi \cdot b_K \cdot (d_{ср} + b_K) \quad (1.6)$$

бу ерда

b_T - ушлаб турувчи тросда муз қалинлигининг девори:

$$b_T = 5 \text{ мм [1, 57 бет]}$$

b_K - контакт симда муз қалинлиги девори

$$b_K = 0,5 \cdot b_T \quad (1.7)$$

$$b_K = 0,5 \cdot 5$$

$$b_K = 2,5 \text{ мм.}$$

$d_{ср}$ - контакт симнинг ўртача диаметри:

$$d_{cp} = (H + A) / 2 \quad (1.8)$$

бу ерда

H ва A-контакт симнинг эни ва баландлик кесими (1.1-расм):

$$A = 12,8 \text{ мм [1, 2 илова]}$$

$$d_{cp} = (11,8 + 12,8) / 2$$

$$d_{cp} = 12,3 \text{ мм.}$$

D – ушлаб турувчи трос диаметри

$$d = 12,6 \text{ мм [1, 2 илова]}$$

$$g_{гг} = 0,8 \cdot 0,0009 \cdot 3,14 \cdot 5 \cdot (12,6 + 5)$$

$$g_{гг} = 0,2 \text{ даН/м.}$$

$$g_{гк} = 0,0009 \cdot 3,14 \cdot 2,5 \cdot (12,3 + 2,5)$$

$$g_{гк} = 0,1 \text{ даН/м.}$$

Контакт осма симларида муз оғирлигидан тўла юкланиши қуйидаги ифодадан топилади:

$$g_{г} = g_{гг} + n_{к} \cdot (g_{гк} + g_{гс}) \quad (1.9)$$

Бу ерда:

$g_{гс}$ -бир метр осмага тегишли қисқичда торларда, рессор тросларида муз оғирлиги:

$$g_{гс} = 0,1 \text{ даН/м [1, 62 бет]}$$

$$g_{г} = 0,2 + 1 \cdot (0,1 + 0,01)$$

$$g_{г} = 0,31 \text{ даН/м.}$$

Музлаган симларга шамол таъсири юкламаси:

-ушлаб турувчи трос учун:

$$p_{т} = c_{х} \cdot \frac{v_{г}^2}{16} \cdot (d + 2b_{т}) \cdot 10^{-3}, \quad (1.10)$$

-контакт сим учун;

$$p_{к} = c_{х} \cdot \frac{v_{г}^2}{16} \cdot (H + 2b_{к}) \cdot 10^{-3}, \quad (1.11)$$

Бу ерда $v_{г}$ - норматив шамол тезлиги музлаш вақтида:

$$v_r = 13 \text{ м/с [1, 57 бет]}$$

$$p_T = 1,25 \cdot \frac{13^2}{16} \cdot (12,6 + 2 \cdot 5) \cdot 10^{-3}$$

$$p_T = 0,3 \text{ даН/м.}$$

$$p_K = 1,85 \cdot \frac{13^2}{16} \cdot (11,8 + 2 \cdot 2,5) \cdot 10^{-3}$$


$$p_K = 0,22 \text{ даН/м.}$$

Ушлаб турувчи тросга натижавий юкланиши:

$$g_T = \sqrt{(g + g_z)^2 + p_T^2} \quad (1.12)$$

$$g_T = \sqrt{(1,84 + 0,3)^2 + 0,3^2}$$

$$g_T = 2,17 \text{ даН/м}$$



1.3-расм. Симга натижавий юклама максимал шамолда (а) ва шамолли музлаш (б) режимларида.

1.3. Контакт осмаси симларнинг таранглигини танлаш

Контакт симларнинг таранглиги К сим турига қараб олинади. Битирув ишида МФ100 типли контакт сим ишламоқда. Унинг рухсат этилган таранглиги:

$$K=1000 \text{ даН. [1, 63 бет]}$$


Ушлаб турувчи троснинг таранглиги Т контакт осма тўрига қараб олинади.

М95+МФ100 турли компенсацион осмасида:

$$T=T_0=T_{\text{ном}}=1450, [1, 63 бет]$$

бу ерда

T_0 - контакт сим осилиши бўлмаган ҳолатда ушлаб турувчи троснинг таранглиги.:



1.4-расм. Компенсацион осмада контакт симларни таранглиги: 1- контакт сим; 2-ушлаб турувчи трос; 3-компесациялувьяи блоклар; 4- компесациялувьяи трос; 5-юк учун штангаси; 6-темирбетонли юк; 7- чегарувчи трос

1.4. Максимал рухсат этилган оралик узунлигини аниқлаш

Темир йўлларда оралик узунлиги анча узун бўлса, таянч, консол ва бошқа контакт тармоғ қурилмалар кам ишлатилади, монтаж ишларига сарф камаяди. Лекин оралик узунлиги катта бўлса, симнинг осилиши кўпаяпти. Яна шамол босимидан сим йўл ўқидан анча сўрилаяпти ва ҳамма шу ток олиш сифатида жуда пасайтираяпти.

Симларнинг темир йўл ўқидан энг катта сурилиши $b_{кдоп}$ тўғри жойларда 0,5м, эгри жойларда 0,45м [2] дан кўп бўлиш мумкин эмас.

Максимал рухсат этилган оралик узунлиги тўғри жойларда қуйидаги ифодадан ҳисобланади:

$$l_{\max} = 2 \cdot \sqrt{\frac{K}{p_k \cdot \kappa_1 - p_{\text{э}}}} \left[b_{кдоп} - \gamma_k + \sqrt{(b_{кдоп} - \gamma_k)^2 - a^2} \right], \quad (1.13)$$

Эгри жойларда максимал рухсат этилган оралик узунлиги қуйидаги ифодадан ҳисобланади:

$$l_{\max} = 2 \cdot \sqrt{\frac{K}{p_k \kappa_1 - p_{\text{э}} + \frac{K}{R}}} (b_{кдоп} - \gamma_k + a), \quad (1.14)$$

бу ерда

a – контакт симнинг зичлиги, тўғри жойлар учун

$$a = 0,3 \text{ м [2]}$$

эгри жойлар учун:

$$a = 0,4 \text{ м [2]}$$

γ_k -контакт сим орасида таянчнинг чўзилиши. Шамол тезлиги $v = 25$ м/с гача бўлганида:

$$\gamma_k = 0,01 \text{ м [1, 64 бет]}$$

$p_{\text{э}}$ -ушлаб турувчи трос ва контакт сим бир бирига таъсирида шамолли оғишни ҳисобга олувчи солиштирма эквивалент юклама:

$$p_3 = \frac{p_k T - p_T K - \frac{8KT}{l^2} \cdot \left(\frac{h_u p_T}{q_T} + \gamma_T - \gamma_k \right)}{T + K + \frac{10,6 \cdot s_{cp} \cdot K \cdot T}{g'_k l^2}}, \quad (1.15)$$

бу ерда

h_u -ушлаб турувчи трос изоляторнинг баландлиги. Контакт тармоғида полимер изолятордан фойдаланамиз. Унинг, баландлиги

$$h_u = 0,56 \text{ м}, \quad [3]$$

s_{cp} - оралик ўртада торларнинг ўртача узунлиги:

$$s_{cp} = h - 0,115 \frac{gl^2}{T_0}, \quad (1.16)$$

бу ерда

h – контакт осмасининг конструктив баландлиги:

$$h = 1,8 \text{ м} \quad [3].$$

γ_T – ушлаб турувчи трос орасида таянчнинг чўзилиши. Шамол тезлиги $v = 25 \text{ м/с}$ гача бўлганда:

$$\gamma_T = 0,015 \text{ м} \quad [1, 64 \text{ бет}]$$

g'_k - ҳисоб режимида контакт сим оғирлигидан юкламаси:

$$g'_k = n_k (g_k + g_{гк}), \quad (1.17)$$

l – оралик узунлиги

κ_1 – тўғирлаш коэффициентлари:

$$\kappa_1 = \kappa_2 + 2\eta\delta\xi, \quad (1.18)$$

бу ерда

$$\kappa_2 = \kappa_3 \cdot \kappa_4 \cdot \kappa_5 \quad (1.19)$$

(1.18) ва (1.19) ифодаларда κ_3 ва η коэффициентлар оралик узунликдан иборат, κ_4 ва δ - шамол тезлигидан боғлиқдир, κ_5 ва ξ - g' қийматидан иборат.

Чунки оралик узунлигини ҳисоблаш учун κ_1 ва p_3 керак, лекин ўз вақтида κ_1 ва p_3 топиш учун оралик узунлиги керак, ораликларни кетма кет

яқинлашиш методи билан ҳисоблаймиз. Шу методида биринчидан $\kappa_1=1$ ва $p_3=0$ деб танлаш керак, биринчи l_{max} - қийматини ёрдамдан κ_1 ва p_3 ҳисобланади. Агар ҳисобланган оралик узунлиги фарқи 5% кўп бўлса, ҳисоблаш қайтарилади, кам бўлса - тўхтатилади ва охириги қиймати охириги ҳисобланади.

1.4.1. Максимал шамол режимида туғри жойларда оралик узунлигини аниқлаш

Биринчи марта $p_3=0$ ва $\kappa_1=1$ танлаб оралик узунлигини ҳисоблаймиз:

$$l_{max} = 2 \cdot \sqrt{\frac{1000}{1,87 \cdot 1 - 0} \cdot \left[0,5 - 0,01 + \sqrt{(0,5 - 0,01)^2 - 0,3^2} \right]}$$

$$l_{max} = 78 \text{ м.}$$

Шу узунликка мос келмоқ:

$$s_{cp} = 1,8 - 0,115 \cdot \frac{1,84 \cdot 78^2}{1450}$$

$$s_{cp} = 0.911 \text{ м.}$$

Контакт сим оғирлигида юклама:

$$g'_\kappa = 1 \cdot (0,89 + 0)$$

$$g'_\kappa = 0,89 \text{ даН/м}$$

$$p_3 = \frac{0,58 \cdot 1450 - 0,62 \cdot 1000 - \frac{8 \cdot 1000 \cdot 1450}{78^2} \cdot \left(\frac{0,73 \cdot 0,62}{1,94} + 0,015 - 0,03 \right)}{1450 + 1000 + \frac{10,6 \cdot 0,911 \cdot 1000 \cdot 1450}{0,89 \cdot 78^2}}$$

$$p_3 = -0,05 \text{ даН/м}$$

Коэффициент κ_1 топиш учун коэффициентлар:

κ_3 ва η — $l_{max} = 78$ м бўлганда

$$\eta = 0,54 \text{ [1, 67 бет]}$$

$$\kappa_3 = 0,62 \text{ [1, 67 бет]}$$

κ_4 ва δ — шамол тезлиги $v = 25$ м/с бўлганда

$$\delta = 0,18 \text{ [1, 67 бет]}$$

$$\kappa_4 = 1,45 \text{ [1, 67 бет]}$$

κ_5 ва ξ — контакт симнинг оғирлиги $g'_\kappa = 0,89$ даН/м бўлганда

$$\xi = 0.915 \text{ [1, 67 бет]}$$

$$k_5 = 1.02 \text{ [1, 67 бет]}$$

Энди κ_2 ва κ_1 ҳисоблаб чиқамиз:

$$\kappa_2 = 0.68 \cdot 1.45 \cdot 1.02$$

$$\kappa_2 = 0.92$$

$$\kappa_1 = 0.92 + 2 \cdot 0.54 \cdot 0.18 \cdot 0.93$$

$$\kappa_1 = 1.096$$

Шунга қараб l_{max} ни иккинчи марта ҳисоблаб чиқамиз:

$$l_{max} = 2 \cdot \sqrt{\frac{1000}{0.58 \cdot 1.096 + 0.05} \cdot \left[0.5 - 0.01 + \sqrt{(0.5 - 0.01)^2 - 0.3^2} \right]}$$

$$l_{max} = 72 \text{ м.}$$

Чунки иккинчи марта ҳисоблаган оралиқ узунлиги 5% дан кўп чиқди, ҳамма ҳисобини бошидан ҳисоблаб чиқиш керак.

Охириги топилган оралиқ узунлиги қийматига мос келади:

$$s_{cp} = 1.8 - 0.115 \cdot \frac{1.84 \cdot 38^2}{1450}$$

$$s_{cp} = 1.045 \text{ м.}$$

κ_1 коэффициент ҳисоблаганда фақат κ_3 ва η коэффициентларни аниқлаштирамиз:

$$\eta = 0.54 \text{ [1, 67 бет]}$$

$$\kappa_3 = 0.62 \text{ [1, 67 бет]}$$

Шунда:

$$\kappa_2 = 0.62 \cdot 1.45 \cdot 1.02$$

$$\kappa_2 = 0.92$$

$$\kappa_1 = 0.92 + 2 \cdot 0.54 \cdot 0.18 \cdot 0.93$$

$$\kappa_1 = 1.198$$

$$p_9 = \frac{0.58 \cdot 1450 - 0.62 \cdot 1000 - \frac{8 \cdot 1000 \cdot 1450}{72^2} \cdot \left(\frac{0.73 \cdot 0.62}{1.94} + 0.015 - 0.03 \right)}{1450 + 1000 + \frac{10.6 \cdot 1.045 \cdot 1000 \cdot 1450}{0.89 \cdot 72^2}}$$

$$p_3 = -0,05 \text{ даН/м}$$

$\kappa_1=1,198$ ва $p_3 = -0,05$ даН/м бўлганда:

$$l_{\max} = 2 \cdot \sqrt{\frac{1000}{1,87 \cdot 1,198 + 0,05} \cdot \left[0,5 - 0,01 + \sqrt{(0,5 - 0,01)^2 - 0,3^2} \right]}$$

$$l_{\max} = 72 \text{ м.}$$

Чунки иккита охириги оралик узинлик ҳисоби фарқи 5% кам чиққан, қийматини 72 м дан олишимиз керак. Лекин ток олиш шароитлар бўйича, 160 км/соатда юрган темир йўлларида оралик узинлиги 65 метрдан кўп бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун, хулоса: тўғри жойларда максимал оралик узунлиги максимал шамол режимида

$$l_{\max} = 65 \text{ м}$$

деб танлаймиз.

1.4.2. Максимал шамол режимида эгри жойларда оралик узунлигини аниқлаш

Лойиҳалашган участкада икки радиусли эгри жойлари бор: $R=2000$ м ва $R=4000$ м ли.

Эгри жой $R=4000$ м.

Биринчи марта ҳисоблаймиз: $p_3=0$ ва $\kappa_1=1$ қўйиб, топамиз:

$$l_{\max} = 2 \cdot \sqrt{\frac{2 \cdot 1000}{0,58 \cdot 1 - 0 + \frac{1000}{4000}} \cdot (0,45 - 0,03 + 0,4)}$$

$$l_{\max} = 79 \text{ м.}$$

Шу узунликка мос келади:

$$s_{cp} = 1,8 - 0,115 \cdot \frac{1,84 \cdot 79^2}{1450}$$

$$s_{cp} = 1,104 \text{ м.}$$

$$p_3 = \frac{0,58 \cdot 1450 - 0,62 \cdot 1000 - \frac{8 \cdot 1000 \cdot 1450}{79^2} \cdot \left(\frac{0,56 \cdot 0,62}{1,94} + 0,015 - 0,01 \right)}{1450 + 1000 + \frac{10,6 \cdot 1,104 \cdot 1000 \cdot 1450}{0,89 \cdot 79^2}}$$

$$p_3 = -0,06 \text{ даН/м}$$

κ_1 коэффициентини топиш учун маълумотлар:

$$\eta = 0,64 \text{ [1, 67 бет]}$$

$$\kappa_3 = 0,56 \text{ [1, 67 бет]}$$

$$\delta = 0,18 \text{ [1, 67 бет]}$$

$$\kappa_4 = 1,45 \text{ [1, 67 бет]}$$

$$\xi = 0,93 \text{ [1, 67 бет]}$$

$$\kappa_5 = 1,02 \text{ [1, 67 бет]}$$

Шунда:

$$\kappa_2 = 0,64 \cdot 1,45 \cdot 1,02$$

$$\kappa_2 = 0,95$$

$$\kappa_1 = 0,95 + 2 \cdot 0,56 \cdot 0,18 \cdot 0,93$$

$$\kappa_1 = 1,134$$

Энди яна $l_{\max}$ – ни ҳисоблаб чиқамиз:

$$l_{\max} = 2 \cdot \sqrt{\frac{2 \cdot 1000}{0,58 \cdot 1,134 + 0,06 + \frac{1000}{4000}} \cdot (0,45 - 0,01 + 0,4)}$$

$$l_{\max} = 78 \text{ м.}$$

Чунки иккита охириги оралиқ узунлиги 5% дан кам чиқмоқда, кейинги $l_{\max}$ –ни аниқлашни имконияти йўқ. Эгри жой $R=4000$ м да максимал шамол режимидаги оралиқ узунлигини 78 м деб чиқди

Ток олиш шароитлар бўйича, 160 км/соатда юрган темир йўлларида оралиқ узинлиги 65 метрдан кўп бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун оралиқ узунлини

$$l_{\max} = 65 \text{ м}$$

деб танлаймиз.

Эгри жой $R=2000$ м.

Биринчи марта ҳисоблаймиз: $p_3=0$ ва $\kappa_1=1$ қўйиб, топамиз:

$$l_{\max} = 2 \cdot \sqrt{\frac{2 \cdot 1000}{0,58 \cdot 1 - 0 + \frac{1000}{2000}} \cdot (0,45 - 0,03 + 0,4)}$$

$$l_{\max} = 72 \text{ м.}$$

Шу узунликка мос келади:

$$s_{cp} = 1,8 - 0,115 \cdot \frac{1,84 \cdot 72^2}{1450}$$

$$s_{cp} = 1,363 \text{ м.}$$

$$p_3 = \frac{0,58 \cdot 1450 - 0,62 \cdot 1000 - \frac{8 \cdot 1000 \cdot 1450}{72^2} \cdot \left(\frac{0,56 \cdot 0,62}{1,94} + 0,015 - 0,01 \right)}{1450 + 1000 + \frac{10,6 \cdot 1,363 \cdot 1000 \cdot 1450}{0,89 \cdot 72^2}}$$

$$p_3 = -0,07 \text{ даН/м}$$

κ_1 коэффициентини топиш учун маълумотлар:

$$\eta = 0,6 \text{ [1, 67 бет]}$$

$$\kappa_3 = 0,66 \text{ [1, 67 бет]}$$

$$\delta = 0,18 \text{ [1, 67 бет]}$$

$$\kappa_4 = 1,45 \text{ [1, 67 бет]}$$

$$\xi = 0,93 \text{ [1, 67 бет]}$$

$$\kappa_5 = 1,005 \text{ [1, 67 бет]}$$

Шунда:

$$\kappa_2 = 0,66 \cdot 1,45 \cdot 1,005$$

$$\kappa_2 = 1,05$$

$$\kappa_1 = 1,05 + 2 \cdot 0,6 \cdot 0,18 \cdot 0,93$$

$$\kappa_1 = 1,177$$

Энди яна $l_{\max}$ – ни ҳисоблаб чиқамиз:

$$l_{\max} = 2 \cdot \sqrt{\frac{2 \cdot 1000}{0,58 \cdot 1,177 + 0,07 + \frac{1000}{2000}} \cdot (0,45 - 0,01 + 0,4)}$$

$$l_{\max} = 73 \text{ м.}$$

Чунки иккита охириги оралик узунлиги 5% дан кам чиқмоқда, кейинги $l_{\max}$ –ни аниқлашни имконияти йўқ. Эгри жой $R=2000$ м да максимал шамол режимидаги оралик узунлигини 73 м деб чиқди

Ток олиш шароитлар бўйича, 160 км/соатда юрган темир йўлларида оралик узинлиги 65 метрдан кўп бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун оралик узунлини

$$l_{\max}=65 \text{ м}$$

деб танлаймиз.

1.4.3. Шамолли музлаш режимида туғри жойларда оралик узунлигини аниқлаш.

Биринчи марта $p_{\vartheta}=0$ ва $\kappa_1=1$ танлаб оралик узунлигини ҳисоблаймиз:

$$l_{\max} = 2 \cdot \sqrt{\frac{1000}{0,47 \cdot 1 - 0} \cdot \left[0,5 - 0,01 + \sqrt{(0,5 - 0,01)^2 - 0,3^2} \right]}$$

$$l_{\max} = 86 \text{ м.}$$

Шу узунликка мос келади:

$$s_{cp} = 1,8 - 0,115 \cdot \frac{1,84 \cdot 86^2}{1450}$$

$$s_{cp} = 0,713 \text{ м.}$$

$$g'_k = 1 \cdot (0,89 + 0,42)$$

$$g'_k = 1,31 \text{ даН/м}$$

$$p_{\vartheta} = \frac{0,47 \cdot 1450 - 0,75 \cdot 1000 - \frac{8 \cdot 1000 \cdot 1450}{86^2} \cdot \left(\frac{0,56 \cdot 0,75}{3,34} + 0,015 - 0,01 \right)}{1450 + 1000 - \frac{10,6 \cdot 0,713 \cdot 1000 \cdot 1450}{1,31 \cdot 86^2}}$$

$$p_{\vartheta} = -0,092 \text{ даН/м}$$

Коэффициентлар κ_2 ва κ_1 :

$$l_{\max} = 86 \text{ м бўлганда}$$

$$\eta = 0,54 \text{ [1, 67 бет]}$$

$$\kappa_3 = 0,62 \text{ [1, 67 бет]}$$

$v=15 \text{ м/с}$ бўлганда:

$$\kappa_4 = 1,5 \text{ [1, 67 бет]}$$

$$\gamma_k = 0,13 \text{ м [1, 64 бет]}$$

$$g'_k = 1,31 \text{ даН/м бўлганда:}$$

$$\xi = 0,98 \text{ [1, 67 бет]}$$

$$k_5 = 1,06 [1, 67 \text{ бет}]$$

$$\kappa_2 = 0,62 \cdot 1,5 \cdot 1,06$$

$$\kappa_2 = 0,99$$

$$\kappa_1 = 0,99 + 2 \cdot 0,54 \cdot 0,13 \cdot 0,98$$

$$\kappa_1 = 1,123$$

Шунга қараб, $l_{\max}$ –ни иккинчи марта ҳисоблаб чиқамиз:

$$l_{\max} = 2 \cdot \sqrt{\frac{1000}{0,47 \cdot 1,123 + 0,092} \cdot \left[0,5 - 0,01 + \sqrt{(0,5 - 0,01)^2 - 0,3^2} \right]}$$

$$l_{\max} = 85 \text{ м}$$

Кейинги оралик узунлигини аниқлаштирувчи моҳияти йўқ. Шамолли музлаш режимида тўғри жойларда оралик узунлиги 65 м деб олинади, чунки ундан кўп олишимиз мумкин эмас.

1.4.4. Шамолли музлаш режимида эгри жойларда оралик узунлигини аниқлаш.

Эгри жой $R=4000 \text{ м}$.

Биринчи $l_{\max}$:

$$l_{\max} = 2 \cdot \sqrt{\frac{2 \cdot 1000}{0,47 \cdot 1 - 0 + \frac{1000}{4000}} (0,45 - 0,01 + 0,4)}$$

$$l_{\max} = 85 \text{ м}$$

Шу узунликка мос келади:

$$s_{cp} = 1,8 - 0,115 \cdot \frac{1,84 \cdot 85^2}{1450}$$

$$s_{cp} = 0,752 \text{ м.}$$

$$p_9 = \frac{0,47 \cdot 1450 - 0,75 \cdot 1000 - \frac{8 \cdot 1000 \cdot 1450}{85^2} \cdot \left(\frac{0,56 \cdot 0,75}{3,34} + 0,015 - 0,01 \right)}{1450 + 1000 + \frac{10,6 \cdot 0,752 \cdot 1000 \cdot 1450}{1,31 \cdot 85^2}}$$

$$p_9 = -0,03 \text{ даН/м}$$

κ_1 коэффиценти тўғри жойлигига қараб ўзгармаяпти ва ўзгармасдан олинаяпти.

Энди l_{max} –иккинчи марта топамиз:

$$l_{max} = 2 \cdot \sqrt{\frac{2 \cdot 1000}{0,47 \cdot 1,134 + 0,03 + \frac{1000}{4000}}} (0,45 - 0,01 + 0,4)$$

$$l_{max} = 83 \text{ м}$$

Шамолли музлаш режимида эгри жойида $R=4000$ м оралик узунлигини 65 м деб оламиз.

Эгри жой $R=2000$ м.

Биринчи l_{max} –ни ҳисоблашда:

$$l_{max} = 2 \cdot \sqrt{\frac{2 \cdot 1000}{0,22 \cdot 1 - 0 + \frac{1000}{3000}}} (0,45 - 0,03 + 0,4)$$

$$l_{max} = 74 \text{ м}$$

Шу узунликка мос келади:

$$s_{cp} = 1,8 - 0,115 \cdot \frac{1,89 \cdot 74^2}{1450}$$

$$s_{cp} = 0,997 \text{ м.}$$

$$p_{\varphi} = \frac{0,22 \cdot 1450 - 0,3 \cdot 1000 - \frac{8 \cdot 1000 \cdot 1450}{74^2} \cdot \left(\frac{0,56 \cdot 0,3}{2,17} + 0,015 - 0,01 \right)}{1450 + 1000 + \frac{10,6 \cdot 0,997 \cdot 1000 \cdot 1450}{0,99 \cdot 74^2}}$$

$$p_{\varphi} = -0,029 \text{ даН/м.}$$

Иккинчи l_{max} – ҳисоблашда:

$$l_{max} = 2 \cdot \sqrt{\frac{2 \cdot 1000}{0,22 \cdot 1,079 + 0,029 + \frac{1000}{3000}}} (0,45 - 0,03 + 0,4)$$

$$l_{max} = 73 \text{ м}$$

Шамолли музлаш режимида эгри жой $R=3000$ м оралик узунлигини 65 м деб оламиз, чунки 65 м дан кўп оралик узунлигини олишимиз мумкин эмас.

1.4.5. Хулоса.

Иккита режимда оралик узунлигини ҳисобига қараб, хулоса қиялпмиз ҳамма участкаларда оралик узунлиги 65 метр деб олинади...

1.5. ДПР симларини танлаш ва уларнинг оралиқ узунлигини ҳисоблаш.

ДПР симлар сифатида АС-50 турли симлар ишлатилади. ДПР симлар контакт тармоғи таянчларда жойлаштирилиши учун, уларнинг максимал рухсат этилган оралиқ узунлигини танлаш керак.

Максимал оралиқ узунлиги қуйидаги ифодадан топилади:

$$l_{\max} = \sqrt{\frac{8Hf_{x\max}}{q}} \quad (1.20)$$

бу ерда

H – симнинг тортилиши ҳисобли режимида

q – ҳисобли режимда симларнинг натижавий юкламаси

$f_{x\max}$ – максимал рухсат этилган осилиш ўқи.

ДПР симлар ердан 8.8м баландлигида қотирилган. (2) қараб, симдан ергача 7м дан кам бўлиши мумкин эмас:

$$f_{x\max} = 8,8 - 7 = 1,8 \text{ м.}$$

Энди натижавий юкламани топиш учун вертикал ва горизонтал юкламаларни билишимиз керак.

Вертикал юклама фақат сим оғирлигидан иборат:

$$g_{\text{дпр}} = 0,19 \text{ даН/м [1, илова 2].}$$

Вертикал юклама муз оғирлигидан:

$$g_{\Gamma} = 0,0009 \cdot \pi \cdot b_{\Gamma} \cdot (d + b_{\Gamma}) \quad (1.21)$$

бу ерда

d – симнинг диаметри:

$$d_{\text{дпр}} = 9,6 \text{ мм [1, илова 2].}$$

$$g_{\text{гдпр}} = 0,0009 \cdot 3,14 \cdot 5 \cdot (9,6 + 5)$$

$$g_{\text{гдпр}} = 0,27 \text{ даН/м.}$$

Шамол босимидан симга теккан юклама максимал шамол режимида:

Шамол босимдан симга теккан юклама максимал шамолда (1.2) ифодадан ҳисобланади, бу ерда:

c_x -аэродинамик коэффициенти

$$c_x = 1,2 [1, 61 \text{ бет}].$$

$$p_{\text{дпр}} = 1,2 \cdot \frac{25^2}{16} \cdot 9,6 \cdot 10^{-3}$$

$$p_{\text{дпр}} = 1,06 \text{ даН/м}$$

Музлаган симларига шамол таъсиридан юкламаси (1.4) ифодадан ҳисобланади:

$$p_{\text{гдпр}} = 1,2 \cdot \frac{13^2}{16} \cdot (9,6 + 2 \cdot 5) \cdot 10^{-3}$$

$$p_{\text{гдпр}} = 0,25 \text{ даН/м.}$$

Нативавий юклама максимал шамол режимида:

$$q_{\text{дпр}} = \sqrt{0,19^2 + 1,16^2}$$

$$q_{\text{дпр}} = 1,47 \text{ даН/м.}$$

Нативавий юклама шамол музлаш режимида:

$$q_{\text{дпр}} = \sqrt{(0,19 + 0,21)^2 + 0,25^2}$$

$$q_{\text{дпр}} = 0,47 \text{ даН/м.}$$

ДПР сим АС-50 турли, максимал тортилиши

$$H_{\text{max дпр}} = 520 \text{ даН,}$$

Шамолли музлаш режимида:

$$H_{\text{дпр}} = 0,75 \cdot H_{\text{max}} \quad (1.22)$$

$$H_{\text{дпр}} = 0,75 \cdot 520 \text{ даН}$$

$$H_{\text{дпр}} = 390 \text{ даН}$$

Максимал шамол режимида

$$H_{\text{дпр}} = 0,7 \cdot H_{\text{max}} \quad (1.23)$$

$$H_{\text{дпр}} = 0,7 \cdot 520 \text{ даН}$$

$$H_{\text{дпр}} = 365 \text{ даН}$$

Оралик узунлиги максимал шамол режимида:

$$l_{\max} = \sqrt{\frac{8 \cdot 365 \cdot 1,8}{0,2}}$$

$$l_{\max} = 68 \text{ м};$$

Оралиқ узунлиги музлаш шамолли режимида:

$$l_{\max} = \sqrt{\frac{8 \cdot 390 \cdot 1,8}{0,47}}$$

$$l_{\max} = 67 \text{ м};$$

Шунга қараб, ДПР симларини контакт тармоғи таянчларида қотириш мумкин. ДПР симлари дала томнидан КФД-5 турли кронштейнларда қотирилади. Улар иккаласи темир йўлнинг бир томонида жойлашади.

1.6. Перегон контакт тармоғини трассировкаш.

Перегон режаси 1:2000 масштабида бажарилади. Ўртасида иккита чизик кўрсатиб, йўлларнинг ўқи деб ҳисобланади.

Пикетлар перегонда ингичка вертикал чизик билан кўрсатилади. Кириш пикетдан бошланиб, уларни рақамлайди.

Юқорида ва пастдаги маълумотларни жадвал кўринишида ёзилади. Пастдаги жадвал остида тўғриланган йўл режаси асосида ёзилади.

Қўйилган пикетлардан фойдаланилиб, йўл режасида сунъий иншоотлар кўрсатилади. (кўприк трубалар, кесиб ўтиш йўлари, сигналлар ва бошқа) тўғриланган йўл режалашда километрли белги, йўналиш, эгри жой радиуслари ва узунликлар сунъий иншоотлар қайтариб кўрсатилади. Сунъий иншоот, сигнал, эгри жой ва бошқаларни пикетларини жадвалдаги сунъий иншоотларнинг пикети “графиги” кўрсатилади.

Таянчларни жойлаштириш изоляцияланган боғланишдан бошланади. Шу таянчларни станцияда жойлашган жон билан боғлайди.

Кейин анкер участкаларни ва уларнинг боғланиш жойларни белгиланиш керак.

Анкер участка белгиланганда қуйидаги қоидаларга риоя қилиш керак:

-анкер участка перегонда камроқ бўлсин:

-энг узун анкер участкасини масофаси 1300 м бўлиши мумкин;

-эгри жой бўлганда анкер участкада 1000 м гача қисқартирилади (радиусга қараб);

-анкер участка боғланиши тўғри жойдан иложи бўлганда қилинади:

Агар эгри жой узунлиги 650 м дан ошмаяптии шунга анкер участкаси тўғри ва эгри жойдаги масофалар ўртача олинishi керак.

Перегон охирида изоляцияланган уч оралиқли боғланиш бўлиш керак.

Оралиқ узунлиги қанча катта бўлса иложи бўлган масофада қўйилади таянч қўйганда, унинг пикети керакли жадвал графигида ёзилади. Таянч орасида оралиқ узунлиги ёзилади.

Таянч олдида стрелкалар билан зигзаглар кўрсатилади. Тўғри жойларда зигзаглар (0.3м) ҳар таянчда ҳар хил томонига йўналган бўлиши керак. Эгри жойларда зигзаглар марказидан йўналади. (зигзаг қиймати радиусга қараб ўзгаради-0,15 дан 0,4 га).

Таянч жойлаштирилган бўлиши керак. Ёнма-ён жойлашган оралиқ фарк 25% дан кўп бўлиш мумкин эмас. Ўртача анкеровкаси билан оралиқлар иккита ёнида турган 5% камайтирилади. Темир бетонли ва темирли труба четлардаги таянчлар 5м дан кам бўлиши мумкин эмас.

Анкер таянч олдида анкер участканинг узунлиги ва рақами ёзилади. Анкер участка ва таянчларни километр юрадиган томонига рақамланади.

Перегон режасида ҳам ДПР истеъмолчи симлар трассировкалайди. Шу симлар дала томонидан кронштейнларда қотирилади. ДПР симланиш албатта анкерлаш керак.

Оралиқни темир бетоннинг таянчлари 3,1 нормал габарити билан ўрнатилади. Эгри жойларда таянчлар габаритлари радиусга қараб, ўзгартирилади.

Анкер таянчларнинг габарити 0,2 м га кўпайтирилади. Светофор олдида бир-икки таянч 3,5м габарит билан қўйилади. Габаритлар план режасининг жадвал графикларида ёзилади.

1.7. Ушлаб турувчи ва таянч қурилмаларни танлаш.

Максимал участкада тўғри букилган бир йўлли консоллар қўйилади. Консолларнинг тури:

НР-1-5 изоляцияланмаган швеллерли чўзилган тортилиши, узунлиги 4730мм, швеллер рақами 5;

НС-1-5-изоляцияланмаган швеллерли, қисилган тортиш билан, узунлиги 4730 мм, швеллер рақами -5;

НС-2-5-изоляцияланмаган швеллерли, қисқартирилган тортиш билан, узунлиги 5230мм, швеллер рақами – 5.

Консол турлари габаритга қараб олинади.

Таянч қурилма сифатида темир бетонли консолли таянчлар қўйилади. Таянчнинг ушлаб турувчи қобиляти ҳисоб-китоб қилгандан кейин олинади.

Перегоннинг энг оғир жойида ҳисоблаймиз. Энг оғир жой – эгри жойнинг ташқи томони. Бизнинг участкада шунақа жой $R=2000$ м. Таянчларда контакт осма орқали яна КФ-5 турли кронштайнларда ДПР симлари жойлаштирилади. Қуйидаги расмда оралиқ таянчнинг ҳисобий схемаси кўрсатилган.

Ҳисоблаганда қабул қиламиз:

$G_{\Pi}, G_{\text{дпр}}$ - мос холда вертикал юкламалар контакт тармоғи ва ДПР сим оҳирлиги;

$G_{\text{кн}}, G_{\text{кр}}$ - мос холда вертикал юкламалар консол ва кронштейн оғирлигидан;


$P_T, P_K, P_{\text{ОП}}, P_{\text{дпр}}$ – мос холда ушлаб турувчи трос, контакт сим, таянч ва ДПР симларнинг шамол таъсиридан горизонтал юкламаси

$P_{\text{из}}^T, P_{\text{из}}^K, P_{\text{из}}^{\text{дпр}}$, - - мос холда ушлаб турувчи трос, контакт сим, ДПР симларнинг қисилиш эгри жойларда ҳосил бўлаётган юкламаси;

$h_{\text{оп}}$ – таянчнинг баландлиги:

$$h_{\text{оп}} = 9,6 \text{ м; [1- 82 бет]}$$

